

Шарк тарихида жувонмардлик, тасаввуф, маломатийлик каби бир неча кудратли таълимотлар хукм сургани яхши маълум, албатта. Бу таълимотлар бири иккинчисига йўл очиб, бири иккинчисини суяб ва бойитиб, гохида нималарнидир ислох қилиб тараккий этишган. Бунда тасоддифий ҳаракат йўқ. Биринчидан, уларнинг ҳаммаси ҳам ислом дини заминидан юзага келган, ислом маърифати ва ҳақиқатларига таянган. Иккинчидан, бош мақсад жуда яқин бўлган, яъни Инсон тақдири, унинг ижтимоий-маданий ҳаёти, эркинлиги, маънавий-рухий камолоти ҳисобланган. Энг муҳими шундаки, ушбу таълимотларнинг ҳар бири ҳам ўз-ўзича инсоннинг ботиний оламига, айниқса, калби ва руҳига чуқур кириб боришга алоҳида аҳамият берган. Бу ҳам табиий. Чунки Нажмиддин Кубро “Фавоих ул-жамол” рисоласида ҳаққоний таъкидлаганидек, “факат калб ва руҳ – ёлғиз ана шу иккаласи Ҳақни излаган. Унга осий бўлмаган ва Унинг амрига зид бир иш қилмаган, Ҳақ талабида куч сарф этган икки ҳақ эрур”. Шунинг учун Шарқда Калб ва Руҳ илми барча илмларнинг манбаи, Руҳ ва Калб мушоҳадаси Ўзликни билишнинг бош майдони деб белгиланган. Шахснинг холи, калби, руҳоният сирларини ўрганиш ва ўргатишни зиммасига олганлиги сабабли ҳам тасаввуф “илми ботин” дейилган. Бугун ҳаммага маълум сабабларга кўра, шўро замонидан тасаввуфни эркин ва зарур даражада ўрганишга имкон бўлмаганди. Мустақилликдан кейин аҳвол бутунлай ўзгарди. Энди тасаввуфни ҳам, тасаввуф адабиётини ҳам дадилроқ ўрганаётирмиз. Бирок дадиллик, тезкорлик бўлсаю, билим, малака, масъулият етишмаса, бу ҳам янги муаммолар, янги-янги камчиликларни юзага келтирар экан. Мумтоз адабиётимиз, жумладан, Алишер Навоий ижодиётини текширишдаги аҳвол ҳозир тахминан ана шундай.

Сўфийликка алоқаси борми, йўқми, бундан катъий назар, ўтмишда яшаб ижод этган ҳар бир шоирнинг асарларини тасаввуфлаштириш, беш-ўн та диний-тасаввуфий истилоҳ ва ибораларни илиб олиб зўрма-зўракилик билан уларнинг муаллифларига сўфийлик ёки мутасаввиflik “либоси”ни кийдириш умумий бир пойгага айланиб қолди, деса хато бўлмас. Очигини айтиш керак, бу анча хавфли жараён. Хатто бора-бора қулгига сабаб бўладиган истикболсиз уриниш. Шу маънода атрофга ҳам мундоқ назар ташлаб, илмдаги фойдали ва фойдасиз тажрибалар устида мулоҳаза юритсак асло зарар қилмайди. Мана, усмонли турк олими Метин Акер нима деб ёзади: “Бугун ҳар бир шеърга тасаввуф нуқтаи назари ила қараш истагида бўлганлар адабиётимизнинг халқдан ажралишга, санъаткорларни унутулиш ва англамасликка маҳкум қилмоқдалар. Бу йўлдаги ҳаракатлар шунга бориб етдики, хатто Хожа Насриддиннинг фикрлари ҳам тасаввуфга кўра шарҳ этилмишдир...”. Қарангки, бизда ҳам унчалик ортда қолиш бўлмабди. Чунки Насриддин Афандини тасаввуфга алоқадор қилиб кўрсатувчи фикр-мулоҳазалар матбуотда аллақачон босилди. Эътибор қозониш, донг таратиш, илмий даража олиш ёки “ким ўзар”га ёзилган мақола ва тадқиқотлар одамларнинг тасаввуфга қизиқишини бир қадар совутиб бўлди. Энди бебаҳо ҳазинамиз – мумтоз адабиётдан йироқлашувга, санъат дунёси ва санъаткорлик меҳнатига ҳусусан ёшларнинг эътиборсиз бўлишига йўл қўймаслик зарур. Ахир, адабиётшуносликдаги яқранглик ва саёзлик шўро тузими давридагидан ҳам ошиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг олдини олиш учун нима қилмоқ керак? Аввало, тасаввуф ва тарикатлар тарихи, тасаввуф фалсафаси, назарияси ва эстетикасидан яхши ҳабардор бўлмоқ лозим. Зеро, тасаввуфга – тасаввуф, адабиётга – адабиёт деб қарай олиш ҳам оддий ишмас. Бунга эса тасаввуфга доир жуда қимматли

бир неча манбаларни таржима килиб чоп этмасдан эришиш кийин.

Алишер Навоийнинг “Насоимул мухаббат” асарида энг кўп тилга олинган ва иктибослар келтирилган китоблардан бири Али бин Усмон Жўллобий Хужвирийнинг “Кашфўл мажзуби”дир. Бу нодир асар факат тасаввуфшунослик жихатидан эмас, балки Шарк тасаввуф адабиётини тадқиқ этишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Демокчимизки, тасаввуф ҳеч бир маънода ва ҳеч бир зайлда адабиёт манфаатларига дахл қилмаслиги, унга соя ҳам ташламаслиги керак. Тўғри, адабий меросини тасаввуф заминидан ажратиш мумкин бўлмаган бир неча ижодкорларимиз бор. Лекин улар барибир шоир-санъаткор. Айтайлик, Машрабнинг фикр-савияси, қалб мушоҳадаси, руҳи ва ғўзаллик завқига ҳеч бир сўфи ёки каландар яқин ҳам бора олмаган. Факат буюк шахси эмас, Машраб шеърияти ҳам такрорланмас. Бу шеъриятни тарикат ақидалари ёки тушинчалари “девори” билан ўраш, уни албатта халқдан ва ҳаётий-руҳоний таъсирларидан ажратиш демак. Бундан ким ютадию, ким ютказади? Буни жиддий ўйлаш керак. Соф тасаввуф адабиёти вакиллари бизда бармоқ билан санарли. Бас шундай экан, адабиётни тасаввуф ортидан эргаштириш, унинг фаолияти ва ютуқларини ёлғиз сўфийликка тиркаш ташаббусига чек қўйиш жоиз. Алишер Навоий ижодиётига келадиган бўлсак, унда учрайдиган ҳар бир тасаввуфий истилоҳ, образ, рамз, хаттоки ишоратларнинг маъно ва сирларини имкон қадар яхши билишга интилиш ҳам қарз, ҳам фарз. Зеро Навоийнинг фикр, туйғу, руҳ ва санъат дунёсига эркин кириб боришнинг йўллари билан бири ҳам ана шу. Навоий асарларида учрайдиган у ё бу тасаввуфий истилоҳ, рамз ҳам баъзан маълум бир ҳақиқатни чуқур билиш, унга тамоман бошқача қарашга йўл очади. Масалан, Алишер Навоий асарларини кўздан кечирсангиз “мажзуб” деган сўзга тез-тез дуч келасиз. Бу сўз, хусусан, “Насоимул мухаббат”да кўп учрайди. Лекин асосий нарса ушбу калиманинг кўп ёки кам учрашида эмас, балки “Насоим”даги бир қанча ривоят ва ҳикоятларда мажзубнинг қимлиги, мажзублик ҳолати, ҳақиқати, асосий фазилати нималардан иборатлигини ёритишдадир. Мажзуб – жазба одами. Жазба эса кўпинча сулуққа боғлиқ бўлмаган ва сулуқдан олдин пайдо бўладиган ҳолат. Шунинг учун мажзублик йўли инсонни тарикатдаги қатъий талаб ва қидалардан фориғ этгувчи ўзига хос имтиёзларга ҳам эга эди. Нажмиддин Кубронинг “Ҳақ таолонинг мажзуб ва мажзубларидин” бўлмиш Бобо Фараж билан учрашгандан кейинги ходисаларни хотирланг. Бобо “давог ва қаламни” ташлаб, илм таҳсилини тўхтатмагунча Куброни таъқиб этаверади. Чунки у илми ладуний ва мажзублик кашфининг ҳар қандай таҳсилдан юксак ҳамда самарали эканлигига тўла-тўқис ишонган. Албатта, ўзининг холи, танлаган йўли, кўзланган мақсадига нисбатан қаралганда Бобо Фараж талабида ҳақ бўлган.

“Насоим”дан ўрин ажратилган мажзубларнинг ақсарияти туркий қавмларга мансуб “Бобо”лар ва “Ота”лардир. Дикқатни тортадиган яна бир жихат шуки, бу мажзублар факат тасаввуф аҳли ёхуд фуқаронинг эмас, салтанат соҳиблари, давлат арбоблари, олим ва ижодкорларнинг ҳам ихлосу эҳтиромларига сазовор бўлишган. Бобо Сангу тўғрисида Навоий ёзади: “Замон мажзубларидан эрмиш. Сохиби ботин киши эрмиш. Андхуд қасабасида бўлур эрмиш. Темурбек Хуросон мулки азиматига юруганда Андхудқа етганда машхурдурки, Бобо хизматига боргандур. Ўлтургондин сўнгра Бобо илайида бир суфрада яхна эт эркандур. Қўйнинг яхна тўшин олиб, Темурбек сари отибдур. Темурбек гояти ақлу қосидин дебдурки, Хуросонни ер юзининг қўкси дебтурлар. Ани Бобо бизга ҳавола қилди...” . Дарҳақиқат, ишорат тилида изҳор этилган шу башоратдан илҳомланиб Амир Темур кўп ўтмай Хуросон мулкида зафар қозонган экан.

Бобо Али Маст Нисоий билан Султон Хусайн Бойкаро орасида ҳам айнан шунга якин ходиса бўлган. “Насоим”да ўқиймиз: “Шох Абулғозий аввал салтанат доиясида Бобо (яъни Бобо Али Маст Нисоий – И.Х.) назарига етибдурлар. Илтифот назари топибдурлар ва Астробод азиматидаким, Саъдлу Хусайн устига юрубдурлар, Бободин рухсат тилай келибдурлар. Бобо дебдурки, “бору бор” ва умидворлиг била борибдурлар. Астрободга етиб, душанба куни зил-хижжа ойининг ўн иккисида уруш бўлуб, аъдога голиб бўлубдурлар” .

Хирот маданий мухитида мажзубларнинг нуфузи юкори бўлганлигини кўрсатувчи далил ва маълумотлар “Насоим”да кўп. Булар орасида бевосита Навоий ва шоирнинг падари бузруквори Гиёсиддин Кичкина билан алокадорлари ҳам бор. Масалан, Навоий Бобо Сариг Пўлот хакида, “Бу факир била кўп улфати бор эрди” , деса, Бобо Шихоб тўгрисида, “Бу факир била улфати бор эрди, кошимга келур эрди” , дейди. Тасаввуфга доир махсус асарлар, айникса, манокибномаларга диққат билан назар ташланса, сўфий, дарвеш ёки маломатийларга нисбатан мажзубларга бошқача бир караш, алохида бир ишонч ва хурмат устивор эканлиги осон англашилади. Бунга асосий сабаб нима? Асосий сабаб, жазба кучи ва имкониятидир. Жазба сўзининг луговий маъноси – жазб этиш, тортиш, жалб килиш демак. Истилохий маъноси эса Хакнинг кулини ўзи томонга тортиши, илохий тажаллиларга сайри сулуксиз етишишдир. Шундай жазба сохиби мажзуб дейилади. Абу Хафс Шахобиддин Умар Сухравардийнинг таъриф беришича, “Мажзуб – сайри сулуксиз, риёзат ва мужоҳаданинг кийинчиликларини каршиламагани холда, калб ила Оллох орасидаги хар турли униттирувчи пардаларни бархам бера олган кишидир” . Шу маънода мажзуб аввал илохий зотни мушоҳада килади. Кобилият даражасига кўра унга бир канча сирлар кашф бўлади. Бунинг оркасидан сифати илохия ва асмо сир-асрори очилади. Сўнгра коинот мохиятини бутун нозиклари ва мураккабликлари билан билишга эришилади. Хуллас, у “тавхид манбасига тамоман гарк бўлганлиги учун ўз зотини Хакнинг ягона зотида, сифотини унинг сифотида, феълини унинг феъланда кўради... Рух кўзи зотнинг жамол мушоҳадасига тикилгани замон, ашённинг орасини ажратувчи акл нури кадим зот нури галабасидан зоил бўлади” . Жазба ва ишк оташида ёниб Хакка талпинган мажзуб энди Хакка чекинган чин ошикка айланади. Шундай килиб, солик энг охирда етган жойга мажзуб илк бошдаёк етади. Соликнинг холи Оллохга вуслат учун ашё ила мушоҳада. Мажзубники эса ашёни Оллох ила мушоҳададир. Мажзубнинг жазбаси махв ва фано билан, соликнинг сулуки эса сахв ва бако билан охирга етади. Солик пастдан юкорига, мажзуб юкоридан пастга сайр айлайди. Жазба сулуксиз, сулук жазбасиз бўлмас, деган фикр шунга бир ишоратдир. Баъзан илмда важд ва жазба холи айни бир нарса, деб каралади. Бунини тўла маъқуллаб бўлмайди. Важдда солик ёки ошик истаги, хохиш ва иродасининг кайсидир даражада ўрни бўлади. Жазбада бундай эмас. Унда инсоннинг ихтиёрига богликлик йўк. Жазба Оллохнинг севган ва энг танланган бандасига эхсони. Хаммаси кутилмаганда ва ногохоний тарзда рўй беради: ишк оташи нафс ва калбдаги хижобларни ёндириб юборади. Рух хакикат кайногидан илхомланиб парвоз бошлайди. Хак тажаллиларининг мушоҳадасидан кўнгил беҳад фарахланади. Хол завки ила инсон беихтиёр ўзини унитади. Вужуди, нафси, хис-туйгулари, хуллас, бутун борлигига тегишли шуурни бой берган ошик маълум бир муддат фикр ва тушинчаларидан ҳам ажралади. “Шундай валилар ҳам борки, - дейди Нажмиддин Кубро, - Хак таоло уларни жазба билан якийн даражаларига эриштиради – уларда сайру сулук ва мужоҳадага мухтожлик бўлмайди” . Бундай валилик умуман макбул кўрилган. Лекин сулуксиз максадга

эришилганлиги боис мажзуб валиларга ҳам иршодга рухсат этилмаган. Шайхлик макомига сохиб бўлмоги учун сулук йўлини улар босиб ўтмоги шарт деб хисобланган. Навоий мансуб бўлгани накшбандийлик тарикатида ҳам жазба ва сулук мавкеи деярли тенг эди. Бу хакикатни тасдиқлайдиган муҳим далиллардан бири Накшбанд хазратларининг Хожа Мухаммад Порсо таъорифидаги “Максуд бизнинг зухуримиздин анинг вужудидур ва анга икаласи тарийк билаки, жазба ва сулук бўлгай, тарбия килибмен”, - деган эътироф сўзларидир.

Мажзублар наздида, пайгамбаримизнинг меърожлари жазба тимсоли эди. Улар Нур “нарвони” билан ниҳоятда қисқа фурсатда Хак даргоҳига юксалиш ва ирфонни эгаллашга шак-шубҳасиз ишонишган. Мажзублар ҳамма нарсани Хак нури ила кўриб, мушоҳада этганликлари учун илохий нур ошиги бўлишган. Алишер Навоий Дарвеш Баширни “мажзуб ва сохиби каромоту макомот эрди”, дейди. Унинг кашф ва каромотини зохир этувчи бир воқеани ҳам нақл этади: Бир кун бир жамоа шаҳардан ташкарига саёҳатга чиқадилар. Қуёш ботиб қаронгу бўлгунча дашт кезадилар. Қайтишда йўлдан адашадилар. Ногаҳон йирокдан бир дарахт узра порлаётган нурни кўриб шу томонга қараб юрадилар. “Эмдиким, етдилар, кўрдиларки, Дарвеш Башир ўлтирибдур ва бу ёруглик андин зохир бўладур... Ул ёруглик била йўлни топдилар ҳар қайси ўз уйларига бордилар”, - дейди Навоий. Албатта, кўпчилик учун бу ходиса гайритабиий ва ишончсиз бўлиши эҳтимолдан йирок эмас. Чунки мажзубларнинг рухоният нури ва қароматларига иштибоҳ билан қараш ёки ишонмаслик ўтмишда ҳам бўлган. Бундан ташқари, зохидлар, обидлар, сўфилар, дарвешлар жамоасида бўлгани сингари мажзублар сафида ҳам ёлгон даъво қилувчилар, содда, авом одамлар ишончли эгаллашга бел боғлаган риёкорлар, сохта қароматчилар йўқ деб бўлмасди Буни Абдурахмон Жомийнинг “Нафахот-ул унс” муқаддимасида мажзубларга ўхшашга ҳаракат қилувчилар тўғрисида махсус тўхталганлигидан ҳам билиш мумкин. Лекин хақиқий мажзубларда ҳеч вақт сохтакорлик ёки алдовга мутлақо зарурият сезилмаган. Аксинча, ҳиссий-рухий идрок ва олдиндан билиш қувватининг зўрлиги билан улар ҳар қанақа шубҳа ва ишончсизликка тезда барҳам берганлар. Шаҳсан Навоийнинг ўзи ҳам бунга иқрор бўлган ва шундай бир ходисани ёзиб қолдирган: Кунлардан бир кун Навоий бир киши билан кетаётганда шериги ундан “Нечук Бобо Пирийнинг ёнидан ўтмайсан. Сабаб недур?” – деб сўрабди. “Бу жихатдинки, фахш сўқар, манга хуш келмаски, анинг фахшин эшитгаймен”, - дея жавоб берибди Навоий. Шунда шоирнинг ҳамроҳи, “Бобонинг қаромати бор дейдилар. Олдиндан ўтгил. Қаромат сохиби бўлса, сени сўқмайди”, дебди. Навоий бу тақлифга кўнибди. Воқеа баёни давомида шоир: “Агарчи имтиҳон эрди, аммо ул дегандек илоийдин ўтдим, сўқмади. Одатининг хилофи – дуо қилди”, - дейди.

Мажзублар Хакдан бошқа ҳеч нима билан қизиқмас, Хакдан ўзга ҳеч қимдан кўрқмаганлар. Уларнинг бор-йўқ бойлиги ишк ва хақиқат бўлган. Шунинг учун улар том маъноси ила эркин яшашган, ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам тўғри сўзлашдан чўчишмаган. Зеро, мажзубликда қомилликнинг тамали – тўғрилиқ, қуч-қуввати эса Хак севгиси ва ҳаққат эди. “Насоим”даги икки ҳикоят бу жихатдан алоҳида диққатга молик. Улардан бири Бобо Хасан Турк отли мажзуб ҳақида: Бир киш кечаси. Қор ёққан. Ҳаво жуда совук. Бобо Хасан қалбида жазба бошланади. Яланғоч холда у ташкарига чиқади. Совук тунда беҳуд кезади. Тонгга яқин жазбаси таскин топади. Ана шундагина совук таъсирини сезади. Иттифоқо, ҳаммом гулханидан ўт ёруғи кўринади. Бобо Хасан исиниш ниятида ўша жойга боради. Аммо кўлида қалба, ўт ёндираётган гулхантоб Бобо ҳар қанча талаб қилмасин, унга жой бўшатмайди. Шунда у қизиқ турган қалбани тортиб олиб

гулханчининг бошига урганида у дархол жон таслим килади. Эртасига Бобони жиноятчи сифатида Шохрух Мирзонинг хузурига олиб борадилар. Бўлган воқеа арз қилинади.

Сўнг: “Шохрух Мирзо сўрубдурки, Бобо, сени дейдурларки, бировни ўлдурбсен? Андоқмудур? Дебдурки, хов, андоқдур. Мирзо сўрубдурки, нечун ўлдурдунг? Дебдурки, мунчани сен ўлдурдунг, бировни даги мен ўлдурдум...” .

Асло кутилмаган бу гап Шохрух Мирзони гўё тил тишлатибди. Мархумнинг ворисларини рози қилиб, Бобога кетиш учун рухсат берибди. Албатта, бу ўринда одам ўлдириш – мажзубликми, мажзублик – котилликми, деган бир савол тугилмаслиги керак. Чунки Бобо Хасан гулхонтоб ёнига борганида жазба уни тарк этган эди. Жазба холи давом қилганида эҳтимол у бир бечоранинг умрини завоқ қилмасди. Аммо шох олдида ҳам титраб-қашмасдан мажзублик эркинлиги ва шижоатига унинг содик қолиши - бу, жуда муҳим. Шунингдек, бунда мажзубликнинг хос бир “имтиёзи”ни ҳам назардан соқит этмаслик лозим. Бу – мажзубнинг фавқулудда бетарафлиги, ҳеч қандай шахсий манфаатлар билан қизиқмаслиги ва Оллоҳга яқинлик холига тегишли. Шайх Жамолиддин Лур, Навоий таъбири билан айтганда, “қуввай жазба”си зўр мажзублардан ҳисобланган. У кўпинча мажзублик холидан ажралолмаганлиги туфайли шатх сўзларни айтар экан. Нихоят шариат уламолари уни қофир деб эълон қилиб ўлимга қатъо беришибди. Лекин икки тасаввуф шайхининг “Ул мажзубдур ва мағлуб, анинг қатли жойиз эмас”, деган кўрсатмаси боис подшоҳ Отабек Абубақр Жамолиддин Лурни ўлимга ҳукм қилмаган экан. Бобо Али Пойи Хисорий қатлига доир воқеа баёни орқали эса мажзубни ўлдириб бўлмас, деган маъно таъкидланган.

Энди юқорида белгиланган иккинчи ҳикоятга қайтсак. Султон Махмуд Сабуктегин бир қиш фаслида бошқа диёрлар ишғоли учун харбий юриш бошлайди. Ҳаким Санойи эса буни мадҳ айлаб қасида битади. Доим чоғирнинг қуйқасини ичганлигидан Лойхўр дея танилган бир гулханчи мажзуб бор экан. Бир қуни Санойи гулханхона эшигига яқинлашганда шу мажзуб ила соқийсининг шундай суҳбатини эшитибди: “Бир аёғ тўла қилиб берки, Газнавий Махмудгинанинг кўрлуқига ичай”. Соқий: “Махмуд подшоҳи исломдур ва гоқий қишидур. Нечун мундоғ дегайсен?” дебди. Лойхўр эса Махмуднинг босқинчилиги ва хорислигини қоралаб бўлиб, “Яна бир аёғ тутқи, Санойи деган шоирнинг кўрлигига ичай”, - дебди. Соқий: “Санойи фозил ва латиф таъ қиши. Нечук бу навъ дегайсен?”- дея эътироз билдирганда Лойхўр: “Агар ул латиф таъ бўлса эрди, бир ишга машғул бўлғай эрди, анинг бир иши ярағой эрди. Бир неча газофни бир қозога битибдурқи, анинг ҳеч ишига ярамас ва билмасқи, ани не иш учун яратибдурлар”, - дебди. Ана шу аччиқ, аммо ҳақ фикр таъсирида Санойи “гафлат мастлиги”дан бедор бўлиб, сулуққа қирган экан.

Ҳеч шубҳасизқи, ҳамма чин мажзублар қаби Лойхўр ҳам басиратга таянган. Санойининг эшиқ ёнига қелишини ҳам, тинглаган гаплари унга қандай таъсир ўтқазини ҳам бу мажзуб аниқ билган. Ақс холда у сўзни беҳуда исроф қилмаган бўлурди.

Мажзублик завқи билан шоирлик завқи ўртасида маълум бир яқинлик борлиги учун баъзи мажзублар шеър ҳам ёзишган. Шулардан бири Мир Муфлосий. У асли Машҳаддан бўлган. Илм таҳсилига берилиб қўп вақтини меҳнат ва риёзат оғушида ўтқазган. Шеърый салохияти ҳам ёмон бўлмаган. Аммо жазба етишғач у ақлдан ажралган. Қизиги шундақи, мажзуб Муфлосий билан, ақл-хуши ўзига қайтган Муфлосий орасидағи фарқланиш аниқ кўриниб турган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да буни шундай қайд этади: “Хуши борида яхши абётлар айтиб эди. Аммо жунун вақтида бу байтни қўп ўқур эрдиким:

Балои марғу андухи қиёмат,

Чу чанбар сохт моро нахли комат” .

(Мазмуни: Ўлим балоси ва киёмат кайгуси коматимиз дарахтини чанбардек эгиб кўйди). Жазба вақтидаги айрим зохирий ҳаракат, сўз ва килик ёки иддаолар жинниликка ўхшаб кетиши мумкин. Навоийнинг Мир Хайдар Мажзубга доир илк мулохазаларини ўқиганда ҳам шундай фикр ҳаёдан ўтади. Бирок бу ўринда ҳам Навоий “Гохеки ўз холига келса эрди, уламо билан улум бахсин андек килур эрдиким, барча мусаллам тутар эрдилар” , - дея изоҳ беришни унитмайди.

Зеро, улуг шоир мажзублик холи сир-асрорини чуқур билган, мажзубларга беписандлик Ҳакка макбул бўлмаслигини инобатга олган. Абдулкарим Кушайрий мажзубнинг ботиний ахвол-руҳиясига тўхталиб, илохий бир муомалани мустасно этганда, колган ҳамма пайт мажзуб Оллох иродаси билан идора қилинишини, эски холига қайтишида унинг на шахсий гайрати, на хоши-иродаси таъсир ўтказишга кодир эмаслигини ёзади .

Мажзубнинг энг буюк ва дахлсиз руҳоний кудрати ҳам мана шунда.

Ҳеч шак-шубҳа йўқ: сайру сулук инсоннинг башарий “Мен”ини нафс ва шайтонга тобеликдан кутқарадиган ҳосиятли йўл. Бу йўл ниҳоясига етиша билган киши ахлоқ-одобда, феъл ва сифотда, фикр ва иродада фавқулодда холис янги Ўзликка эришади. Сухравардий буни жисмоний тугилишдан кейинги – иккинчи, янги маънавий тузилиш деб таърифлайди . Ҳақиқат аҳли томонидан “киёмати сугро” (“Кичик киёмат”) деб ҳам аталган иккинчи маънавий тугилишда ошиқнинг холи – унинг сулуккача бўлган, риёзат, мушоҳада, покланиш машаққатларига хали киришилмаган ҳолидан кескин фарк қилади. Унинг ахлокий, ҳиссий ва фикр ҳаёти аввалгисига бутунлай ўхшамайди. Бунда муршиднинг хизмати ва ҳиссаси бекиёсдир. Лекин гап шеър ва шоирликка келиб такалганда, масалага анча кенг ва ўзгачарок тарзда қараш заруриятини ҳам ҳисобга олиш керакка ўхшайди. Чунки шеърят ҳам такрорланмас бир маънавий “сайру сулук”дир. Шеърятда ҳам иккинчи, яъни янги маънавий тугилишсиз улуг шоир кад ростлолмайди. Бизнинг назаримизда, ҳақиқий шоирлик билан мажзубликда моҳиятан ўхшашлик бор. Илохий Гўзалликнинг ўзига тортиш ва жазб этиш кудратига беихтиёр таслим бўлиш ҳоким. Мана, “Исо нафаслик ринди Шероз” буюк Ҳофизни олиб кўрайлик. У бирор бир тарикатга мансуб бўлмаган. Иродат кўлини ҳеч бир пирга чўзмаган. Аммо жонбахш сўз ва ифодалари аҳли тасаввуф табиатига шунчалик уйғун келганки, кўплар бундан таажжубланишган. Навоийнинг ёзишича, хатто Ҳожагон тарикатидан бир муътабар зот “ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса. Бу факирга андоқ маълум бўлубдур ва машхур мундоқдурки, ҳазрат Мир Косим к.с. аларнинг девонини “Куръони форсий” дер эрмишларки, Каломуллох оёти маънисидин мамлу ва асрору нукотидин машхурдир”, - деган экан. Демак, ўз-ўзидан равшанлашаётирки, дил ва руҳоният фотиҳи Ҳожа Ҳофиз ҳаётда ҳам, ижодда ҳам тарикатгамас, шаффоф дил, улвий хол соҳиби ўларок жазба ва ишкка суянган. Факат ҳузури илоҳияга кўтарилган, нур ва латоиф ошиги бўлган шоиргина Ҳофизга эргашиб ёниши ва ёзиши муқаррардир. Бир неча машхур шайхлар, жумладан Нажмиддин Кубро ҳазратлари ҳам Оллохга элтувчи йўлларнинг адади яратикларнинг адади қадар беҳисоблигини махсус таъкидлашган. Шу йўллардан бири – жазба ва мажзублик. Бу йўл – ишкдан холга, холдан қалб ва руҳга, руҳдан Ҳакка йўналтирувчи хуррият йўли. Жазба “тажриба”си ила Ҳакка восил бўлганлар – Оллох лутфи эҳсонини ва инояти ила комилликнинг олий макомини эгаллаган, инсон тақдири, кадр-киммати ва эркинлигини тамасиз шарафлаган зотлардир. Шунга кўра ҳам Навоий мажзублик ҳолати, ҳислат ва имтиёзларидан сўз юритган. Навоийнинг ишк ва жазба тарикати сифатида эътироф

этилган накшбандийлик тарикатини танлашида ҳам хали очилмаган, илмда хали махсус ўрганилмаган сирлар борга ўхшайди. Хуллас, дохий шоиримизнинг жазба завки ва ёлкини аксини топган шеърларига бошқача кўз караш ила ёндошиш, кўпрок кўнгил холи ва рух манзаралари тасвирланган бу шеърларни янги усулларда тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Ана ўшанда Навоийнинг “Ўз холига саргаштаву хайрон” бўлиш хиссиётларининг маъно-мохиятини англаш, таҳлил этишдаги тахминбозлик ва ўзбошимчаликлар бархам топади, деб ўйлаймиз.

Иброхим Хаккул